*Яхшилар ёди*

# ОҚСОҚОЛ ШУНДАЙ БЎЛСА...

**Ўтган йил охирларида маҳалламизда оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Йиғинда иштирок этган вакиллар сайловдан сайловгача даврда қилинган ишларга баҳо беришди, камчиликларни тилга олишди, навбатдаги зарур ишларни бирма-бир санашди. Бўлиб ўтган гап-сўзлар бутун ҳаётини маҳалла аҳлининг фаровон турмушини изга солишга бахшида этган оқсоқол Ўринбой Отабоевнинг (охирати обод бўлсин) хотирасини ёдимга солди.**

Шаҳарнинг шундоқ биқинидаги Мингтепа қишлоғида Ўринбой ота оз эмас, кўп эмас 15 йил оқсоқоллик қилди. 360 хонадонда кам деганда 3000 жон бор. Бу фидойи инсон ана шу катта-кичик оилаларнинг қувончу ташвишлари билан яшади. Кам таъминланган, ночор оилаларга бирда давлат ёрдам қилса, бирда рўзғоридан, бир этак болалари ризқидан орттириб ўзи қўл қоқишди. Тўю маъракаларда камсуқумгина бўлиб, елка тутишдан чарчамади.

У иттифоқо дардга чалинди-ю, вафот этди. Мингтепаликларнинг кўнгиллари ҳувиллаб қолгандек бўлди. Уни сўнгги йўлга кузатиш чоғида тумонат йиғилди, кўпчиликнинг кўзида ёш қалқиди. Ўринбой ота мингтепаликларнинг меҳрини, қозонганини ўзи кўрмай, билмай кетди.

Биз, ғофил бандалар яхши одамларнинг ҳаётлик пайтларида қилган эзгу ишларининг қадрига етмаймиз. Рўзғор, болачақа ташвиши билан бўлиб, ўзимиздан ортмаймиз. Чинорнинг салобати қулаганида билинганидек, Ўринбой отанинг орамизда йўқлиги энди сезилмоқда. Қишлоқ аҳлининг беминнат кўмакчисига айланган оқсоқолнинг қилган саховатларини ёд этмоқ, ёшларга ибрат қилиб кўрсатмоқ савобдир.

Қишлоқнинг шаҳарга туташ қисмида 80 хўжалик яшайдиган Эсонбой ота Маражабов номидаги кўча бор. Бу ердаги оилалар жам бўлиб, йўлни созлашга қарор қилдилар. Қишда лой, балчиқ, тупроғи чангиб ётадиган кўчани аввал шағал ташлаб, сўнг асфальт қилиш осон иш эмас эди. Бунинг учун мўмайгина маблағ зарур.

Кексалар бош-қош бўлиб, дастлаб озроқдан пул йиғиб, ҳашар йўли билан кўчага шағал тўкиб олишди. Сўнг орадан бир муддат ўтказиб, пишиқчиликда асфальт учун ҳаракат бошланди. Оилаларнинг бири паррандасини, бирови чорвасини бозорга олиб чиқди. Келишилган пулни бера бошлашди.

Лекин шу кўчада уйи, томорқаси бор, ўзига тўқ, обрўли жойларда хизмат қиладиган айримлар кўчанинг тугал созланишига кўзлари етмай, пул беришга келганда оёқ тирашди. Баъзи бировлари кексаларни ҳам писанд қилмай, уялмай-нетмай, "Асфальт менинг эшигимдан бошлаб ётқизилса, пул бераман" деб туриб олди. Кўпнинг ғайрати дарё экан. Шундай ҳашар кезлари Ўринбой ота биров билиб, биров билмай, хизматдаги қариялардан бирига мўмайгина пул тутқазди. Ўзи эса ўрнак кўрсатиб, замбилнинг бир томонини ҳеч кимга бермади. Ёшроқ ҳашарчиларнинг қўлидан белкурагини олиб, уларга кўмаклашди. Отанинг ўғиллари ҳам қараб туришмади. Ҳашарчилар билан елкама-елка туриб, меҳнат қилишди. Бир гал оқсоқолнинг уйидан, бир гал ўғилларининг чойхонасидан тоғорада палов келиб турди.

Кексалар хижолатда:

– Ўринбой, бу нимаси, бизни уятга қолдиряпсан. Ўзинг, ўғилларинг кўмаклашгани етмаганидек...

– Отахонлар, бу савоб иш-ку?! Имкон бўла туриб қарашмасак, одамгарчилигимиз қаёқда қолади?..

Қарангки, Ўринбой ота ҳам унинг ўғиллари ҳам бу кўчага мутлақо дахлсиз эдилар. Топган гул, топмаган бир боғ пиёз деганларидек, рўзғорларидан орттириб пул беришмаса ҳам, шу юмуш кечроқ бўлса-да битарди. Лекин оқсоқолнинг саховатпеша кўнгли бундан таскин топмасди.

Бирда ишбоши мақомидаги Жўрабой ота:

– Ўғлим, ўзинг тўй устида турибсан. Оиланг билан ғайрат кўрсатганларинг етар, шу пул... – деганида, Ўринбой ота мийиғида кулганича:

– Тўйим сизларники, ота. Камимни ҳам, кўпимни ҳам бирдек кўрасизлар-да, – деб қўяқолганди.

Хуллас, оқсоқолнинг ғайратию ҳимматини кўрган қишлоқдаги савобталаб кишилар баҳоли қудрат кўмакка келишди.

Кўпнинг ғайрати билан Эсонбой ота кўчаси асфальт бўлди. Чеккалари орасталанди, ободонлаштирилди.

Наинки кексалар, қишлоқдаги кўплаб ёшлар ҳам меҳр-саховат ишларидан борини аямайдиган, бутун умрини ўзгаларга елка тутиш билан ўтказган Ўринбой отани доимо ҳурмат билан ёдга оладилар. Зеро, яхшилар ёди ҳаммани савоб ва эзгу ишларга ҳамиша чорлайверади.

**Собиржон ИНОМОВ.**

---

**Олмалиқ шаҳридаги Аҳмад Яссавий маҳалласида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими вакиллари иштирокида ёшларнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш мақсадида "Маънавият кунлари" ҳафталиги бўлиб ўтди.**

# МАҲАЛЛАДА "МАЪНАВИЯТ КУНЛАРИ"

– Маслаҳат кенгаши қарори билан йилнинг ҳар бир ойини ўз мазмун-моҳиятига кўра махсус номлар билан атадик, – дейди маҳалла қўмитасининг маънавий-маърифий ва диний-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Марҳамат Холбоева. – Айни вақтда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг мақсад ва вазифаларини ўз ичига олган "Юрт обод – кўнгил шод" мавзусидаги навбатдаги тадбирга "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда ҳозирлик кўраяпмиз. Мақсад, юрт фаровонлигига хизмат қилувчи амалларга ёшларни кўпроқ жалб этишдир.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

---

# БОЛАЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАСИ

**"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан Алишер Навоий номли кино саройида кичкинтойлар учун байрам тадбири ташкил этилди.**

Шу муносабат билан бу ерга пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари таклиф этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар навқирон авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида, ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар билан бирга жамоат ташкилотларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан шифо масканларини зарур реагентлар, дори-дармонлар, тиббий препаратлар, гигиена воситалари ва жиҳозлари билан таъминлашга, гўдакларни малакали шифокорлар кўригидан ўтказишга, даволаш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги йил шодиёналари давом этаётган шу кунларда мазкур жамғарма томонидан пойтахтимиздаги меҳрибонлик, мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатларда турли байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Айни пайтда болаларга турли дори-дармонлар, гигиена анжомлари, протез-ортопедик воситалари, тиббий препаратлар, ўқув адабиётлари, кийим-кечаклар, байрам совғалари топширилмоқда.

Алишер Навоий номли кино саройида ўтган тадбирда ҳам болаларга байрам совғалари топширилиб, қизиқарли бадиий фильм намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---



# ОИЛА – МЎЪЖАЗ ВАТАН

**Мустақиллик йилларида оила янада қадр-қиммат топиб, унинг фаровонлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Хусусан, ёш оилалар осойишталиги, саломатлигини сақлаш, ижтимоий фаолликларни ошириш мақсадида турли тадбирлар, танловлар ташкил этилмоқда. Маиший турмуш шароитларини яхшилаш борасида эса улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

– Ҳар бир ёш оила эртанги кунимизнинг мустаҳкам устуни, – дейди Қуйичирчиқ тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Омона Холиқова. – Шу даргоҳда йигит-қизларимиз мустақил ҳаёт остонасига қадам қўядилар. Ёшлар ўз бахтларини яратишлари учун барча зарур шароитлар яратаяпмиз. Чунончи, оилани ҳар қандай вазиятда қадрлаш, унга содиқ қолиш масъулиятли бурч эканлиги бўлажак келин-куёвлар билан бевосита суҳбатларда сингдирилмоқда.

**Саид ҲАСАНОВ.**

**СУРАТДА:** мудира Омона Холиқова.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

---

# ХХI аср ва ДУНЁ

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КАМАЙДИ

**Глобал иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатларнинг молиявий аҳволини оғирлаштирмоқда.**

Японияда жорий йилнинг ноябрь ойида автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20,4 фоиз, экспорт эса 18,1 фоиз пасайди.

Япония автомобилсозлари уюшмасининг маълумотларига кўра, бундай ҳолат автомобилга талаб камайгани билан боғлиқдир.

## ХИТОЙДА ВАЗИЯТ БОШҚАЧА

**Хитойнинг "Geely" компанияси жорий йилда янги турдаги автомобиллар ишлаб чиқариш орқали маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш ниятида.**



"Shanghai Daily" газетасининг ёзишича, "Geely" 2008 йили 225 минг дона автомобиль сотган. Жорий йилда мазкур кўрсаткични қарийб уч юз мингга етказиш мўлжалланмоқда. Компания вакилларининг сўзларига кўра, 2015 йилга бориб "Geely"да йилига икки миллион дона автомобиль ишлаб чиқарилади.

## «ҚОРА ОЛТИН» БАҲОСИ ОШМОҚДА

**Нью-Йорк хом ашё биржасида ўтказилган сўнгги савдода бир баррель нефть 48,68 АҚШ долларига баҳоланди.**

Бу аввал қайд этилган нархдан 2,34 доллар кўп. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, "қора олтин" нархининг яна ошишига нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш камаяётгани сабаб бўлмоқда.

2008 йилнинг 11 июлида бир баррель нефть нархи рекорд кўрсаткичга – 147,27 АҚШ долларига чиққан эди.

## ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТИДА

**Индонезиянинг Ириан Жайя туманида кучли зилзила рўй берди. РАТА-ТАССнинг хабар беришича, табиий офат оқибатида беш киши ҳаётдан кўз юмган ва ўттизга яқин одам жароҳатланган.**



Мутахассисларнинг таъкидлашича, зилзила кучи 7,5 баллни ташкил қилган. Оқибатда ўнлаб тураржой бинолари, иншоот ва йўллар вайрон бўлган.

Президент Сусило Бамбанг Юдхойоно вазиятни барқарорлаштириш учун барча зарур чоралар кўрилаётганини маълум қилди. Унинг таъкидлашича, табиий офатдан зарар кўрган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади.

**ЎзА.**

---

# ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

**Мамлакатимизда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан ҳам бу борада тегишли идора ва муассасалар ҳамкорлигида қатор тадбирлар ўтказилаётир. Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳридаги Бирлашган техник мактабда бўлиб ўтди.**

Чақирув ёшидаги фуқаролар ва уларнинг ота-оналари иштирок этган ушбу тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самаралар, ҳарбий хизматчилар учун яратилаётган шароит ва жорий этилган имтиёзлар, муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг янги тизими ҳақида гап борди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда ўзининг намунали хулқи ва аъло ўқиши билан тенгдошларига ўрнак кўрсатиб келаётган ўғил-қизларга совғалар топширилди.

Ўтказилаётган тадбирларда ёшларни Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, миллий армиямизда ҳар томонлама соғлом, билимли, юксак маънавиятли ёшлар хизмат қилишини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чақирилувчиларнинг ҳарбий соҳага оид кўникмаларини шакллантириш, муддатли ҳарбий хизматдаги ёшларнинг эгаллаган билим ва малакасини янада бойитишга қаратилган тадбирлар доирасида аскар ва курсантлар, лицей ва коллежлар ўқувчилари ўртасида турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

*Таажжуб*

**Янгиликнинг қаноти бор, дейдилар. Тузелга шаҳардан автобуслар қатнар экан, деган хабар қишлоққа бир зумда тарқалди. Бу хайрли ишдан каттаю-кичик мамнун. Ахир, шаҳарга бориш учун автобус пойлаб, кўп вақт йўқотишарди-да. Байтқўрғон – Қўйлиқ йўналишидаги 497-микроавтобусни кутиб, кўзлар тўрт бўлиб кетарди. Баъзан шофёрлар маҳалла бекатларида тўхташмасди. Эрталаблари ишга, ўқишга шошилиб чиққан йўловчилар ўз манзилларига такси ёллаб кетишдан бошқа илож топишмасди.**

**Хуллас, Тузелга автобуслар қатновининг йўлга қўйилиши жуда хайрли иш бўлди. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг қувончлари чексиз. Энди улар ҳам шаҳарлик болалар каби ойлик йўл чипталари билан автобусларда юришади, ҳадеб уйдагилардан йўл ҳақига пул сўрашмайди.**

**«Машинасозлар – Тузель» йўналиши бўйлаб 6- ва «Аэропорт – Тузель» йўналишида 106-автобусларнинг ҳаракати аҳолида дастлаб ана шундай кайфият уйғотганди. Аммо бу ҳолат узоққа чўзилмади. Кўп ўтмай, ҳайдовчилар ойлик йўл чипталари Тошкент шаҳри ҳудудидан чиққан заҳоти кучини йўқотади деган антиқа талабни қўйиб, ойлик йўл чипталари бор йўловчилардан ҳам йўл ҳақини ундирадиган «ҳунар» чиқаришди. Узоғи яқин бўлганидан хурсанд йўловчилар бу ҳайратомуз гапдан бироз таажжубланишди.**

# РАҲБАРНИНГ ЛАФЗИ, ВАЪДАНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

– Ахир, бу қандай гап? Нима учун шаҳарда ўтган ойлик чипта бир чақирим қишлоққа кирганда ўтмаслиги керак? – деган ҳақли эътирозларга на шофёрлар, на чиптачилар қулоқ солишмасди. Улар бир сўзни тўтиқушдек қайтаравердилар: "Қишлоқда ойлик йўл чиптаси ўтмайди".

Бу ҳангома ҳамманинг асабига тегарди. Ҳайдовчи ва чиптачилар билан тортишув, жанжал ҳеч бир натижа бермади. Бу ҳолатга бора-бора одамлар кўникиб ҳам қолишди. Айрим чиптачилар буни дастлаб бироз ҳайиқиброқ қилишган бўлса, ҳадисини олгандан кейин дўқпўписага ўтишди. Ниҳоят, сабр косалари тўлган йўловчилар вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасига шикоят хати йўллашди. Бу ташкилотнинг ижрочи директори Фахриддин Солиев ва етакчи мутахассис, матбуот котиби Аслиддин Довруқовлар томонидан "Машинасозлар – Тузель" йўналиши бўйлаб қатновчи 6- ва "Аэропорт – Тузель" йўналишида ҳаракатланувчи 106-шаҳар йўловчи ташувчи автобусларида мониторинг ўтказишди.

Фахриддин Солиевнинг изоҳи: "Шу куни биз "Машинасозлар – Тузель" йўналишидаги давлат рақами 10 ВЕ 347 ISUZU русумли автобусга Тузель йўналиши бўйича чиқиб, ҳаракатни ўргандик. Корхона томонидан чиптачиликка тайинланмаган шахс Тошкент шаҳар ҳудудидан чиққан заҳоти ойлик йўл чипталари кучга эга эмаслигини билдириб, йўловчилардан йўл ҳақини талаб қилди. Биз чиптачидан нимага асосланиб бундай қилаётганлигини сўраганимизда, у бирор-бир далилий ҳужжат кўрсата олмади. «Бизга колонна сардоримиз Аваз Абдураҳмонов шундай топшириқ берган», деди. Ҳайдовчи Абдували Исоқов ҳам чиптачининг гапларини маъқуллаб, Тузель шаҳарчаси ҳудудида ойлик йўл чипталари ўтмаслигини тасдиқлади. Ҳайдовчи агар ойлик йўл чиптаси бор йўловчилар Тошкент шаҳар чегарасидан чиққандан кейин йўл кира тўлашмаса, тушиб қолишларини расмий равишда эълон қилди".

Буни қаранки, 5-автокорхонага тегишли бўлган "Аэропорт – Тузель" йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган 106-йўналишдаги автобусларда ҳам айнан шундай манзаранинг гувоҳи бўлдик. Ажабо, бу ўхшашликка нима дейиш мумкин? Бу шунчаки, тасодифми ёки атайин келишиб олинганми? Қолаверса, бу



ноқонуний ҳаракатдан автокорхона раҳбарлари хабардорми?

Ўзини хон, кўланкасини майдон деб билган ҳайдовчи бу кимсаларга шаҳар бедарвоза эмаслигини тушунтириб қўйиш пайти келмадимикан? Биз шу масалага ойдинлик киритиш мақсадида "Тошавтобустранс"нинг 2- ва 5-автокорхоналари раҳбарлари билан учрашдик. Дастлаб 2-автокорхона раҳбари ўринбосари М. Зокировга мурожаат қилдик. У киши ойлик чипталари йўналишнинг барча ҳудудида ўтишини, бундай ҳолатдан хабари йўқлигини, ҳайдовчилар билан эса ишдан кейин гаплашиб қўйишини айтди. Худди шундай тартибни 5-автокорхонанинг тасарруф бўлими бошлиғи Мурод Муҳаммаджонов ҳам таъкидлади.

Демак, ҳаммаси ойдинлашди. Бу ўзбошимча ҳайдовчиларнинг таноби тортилиб, уларга нисбатан чора кўрилади, деб ўйлаган эдик. Афсус, чучварани хом санаб, раҳбарларнинг лафзига ошиқча ишонган эканмиз. Хуллас, бу ҳолат яна давом этаверди. Яна қайдасан Тузель деб йўлга тушдик. Манзаралар ўша-ўша. Чиптачилар ҳамон ўз «ҳунар»лари билан банд. Энди улар йўл ҳақини олиб, чипта беришни ҳам ўйламайдиган бўлишибди.

Биз 2-автокорхона бошқаруви раиси М. Мирзиёдов қабулига бориб, текшириш натижалари, бу ҳолат юзасидан аввал ҳам автокорхона расмий ходимларига мурожаат қилинганлигини айтдик. У киши ҳам худди юқоридаги раҳбарлар сингари ойлик йўл чипталари йўналишнинг барча ҳудудларида ўтишини қайта-қайта таъкидлаб, ҳайдовчилар билан ишдан қайтганда йиғилиш ўтказишини ва керакли чора-тадбирлар кўриб, ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма равишда маълум қилишини таъкидлади.

Шу куни 5-автокорхонага ҳам бориб, бу аҳвол юзасидан раҳбар муовини Шомақсуд Муҳаммаджоновга учрашдик. 106-автобусларда бўлаётган ноқонуний ҳаракатлардан хабардор қилдик. У ҳам ойлик йўл чипталари Тузель қишлоғи ҳудудида ўтишини ва уч кун ичида барча камчиликларни бартараф қилишини оғзаки равишда билдирди.

Начора, раҳбарларга яна бир имконият берайлик, улар тегишли чора-тадбирларни қўллайди, деган умид билан қайтдик. Айтилган муддат ҳам ўтди. Аммо биз ишонган раҳбарлардан эса садо чиқмади. Аҳвол эса, яна ўша-ўша, эски ҳаммом, эски тос.

Наҳотки, автокорхона раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 6, 7, 10, 19, 21-моддалари ва бошқа меъёрий ҳужжат талаблари бузилаётганлигини била туриб, масалага бефарқ қарашса? Қонун бузилаётганлигини кўриб, кўрмаганликка олган раҳбар ҳақида нима дейиш мумкин? Фақат шуни айтмоқчимизки, раҳбарнинг лафзи, ваъданинг чеки бўлгани яхши. Буни юқорида тилга олинган раҳбарлар ҳам билиб олишса ёмон бўлмасди. Яна бу мавзуга қайтамиз...

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## Шеърият

# ТОШКЕНТИМ

*Тангритоғ қўйнида яшнаган,*
*Сўлим жой туронлар юртидир.*
*Бу уч минг йил аввал яшаган,*
*Зардуштий бобомнинг лутфидир.*
*Мозийда шаънингдан жар солдинг,*
*Чоч кентим, Бинкатим, Шош кентим.*
*Келажак кунларга йўл олдинг,*
*Тошкентим, Тошкентим, Тошкентим.*

*Дош бердинг қаҳратон қишларга,*
*Боғларинг гуллатди баҳорлар.*
*Кечмишинг айланди тушларга,*
*Қайтадан жўш урди анҳорлар.*
*Юксалди истиқлол байроғи,*
*Ҳур ўзбек юртимга бош кентим.*
*Чорлади истиқбол маёғи,*
*Тошкентим, Тошкентим, Тошкентим.*

*Юлдузга қўл чўзди одамлар,*
*Ёришиб боряпти кечалар.*
*Ҳар ёнда залворли қадамлар,*
*Кўрк очди қадимий кўчалар.*
*Қурдошинг Бухоро, Самарқанд,*
*Ҳамиша навқирон, ёш кентим.*
*Дунёда обрўинг сарбаланд,*
*Тошкентим, Тошкентим, Тошкентим.*

*Олдинда қатма-қат асрлар,*
*Барига етади ғайратинг.*
*Улғаяр баркамол насллар,*
*Мунчоқдай тизилар зийнатинг.*
*Бахтингга пойдордир Оқсарой,*
*Довондан довонга ош кентим.*
*Бошингдан кетмасин Қуёш-Ой,*
*Тошкентим, Тошкентим, Тошкентим.*

**Асрор МЎМИН.**

## ЎРИНБОСАРЛАР ИТАЛИЯДА

**Италиянинг Виареджио шаҳрида ҳар йили футбол бўйича "Коппа Карневале" турнири ўтказилади.**

Ушбу мусобақани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад турли мамлакатлардан ташриф буюрган ёш истеъдодларни кўрикдан ўтказиш, уларнинг тажриба алмашишларига имкон яратишдан иборат. 2009 йилги турнир 9-23 февраль кунлари бўлиб ўтади.

Ушбу турнирда Ўзбекистондан "Пахтакор" жамоаси ўринбосарлари тўртинчи бор юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Мусобақада Италиянинг "Интер", "Милан", ""Рома" ва"Ювентус" ҳамда Европа ва Жанубий Американинг ғолиб клубларининг ўринбосар футболчилари қатнашадилар.

**Рустам Ҳайдаров,**
**"Туркистон-пресс".**

## РУСТАМ КУЧЛИЛАР САФИДА

**Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) жаҳоннинг энг кучли шахматчиларининг 2009 йилдаги дастлабки рейтинг жадвалини эълон қилди.**

2004 йилги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов жами 2687 рейтинг балл тўплаб, 2008 йилдагига нисбатан саккиз поғона юқорида – 42-ўринда қайд этилди.

Умумий рўйхатда болгариялик Веселин Топалов етакчилик қилмоқда. Шунингдек, кучли учликдан ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ҳамда украиналик Василий Иванчук жой олди.

Ўзбекистон шахматчилари рейтинг жадвалида эса ҳамон халқаро гроссмейстер Р. Қосимжонов пешқадамлик қилмоқда. Кейинги ўринларни Темур Гареев ҳамда Антон Филиппов эгаллаб турибди.

Ўзбекистонлик хотин-қизлар ўртасида кучли учлик Нафиса Мўминова, Ольга Собирова ҳамда Ирода Ҳамроқуловадан таркиб топган.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МУАЛЛИФИ ЗЎР ЭКАН



Ҳажвия

Бўлимимиз фаолиятини ёритувчи деворий кўргазма тайёрладик. Пастроғида озроқ бўш жой қолган эди. Мен ўзим ёзган шеърдан "Мустақил юрт одамлари соғ бўлсин, қалби пок шифокорлар бор бўлсин" дейилган бир бандини кўчириб, ёзиб қўйдим. Кўргазмани деворга илдик. Ҳаммага ёқди.

Бир неча кундан сўнг шифохонани текширгани келган туман раҳбарларидан бири бизнинг бўлимимизга ҳам тўсатдан кириб қолди. Янги арбоблардан. Калондимоғ. Чет эл машинасида юради. Илгари бензин қуйиш шохобчасида сотувчи бўлиб ишларди. Сўнг иш жойини хусусийлаштириб олди. Тез орадан ҳокимликда муовинлардан бирига айланди.

У бўлимни айланиб, текширган бўлди. Камчиликлар топиб, тузатишни буюрди. Девордаги кўргазмани ҳам назардан қочирмади.

– Манови сўзларни ким айтган? Афтурини ёзиб қўйиш керак, – деб буйруқ берди. Бўлим мудиримиз мақтанди:

– Ўзимизда ишлайдиган бир дўхтиримизнинг сўзлари. Шеър ёзиб туради.

Бирдан раҳбарнинг кўзлари олайиб, қошлари чимирилди:

– Ним-ма? Қанақа дўхтир? Бунақа стендларга буюк кишиларнинг сўзлари ёзилиши керак. Тезда ўчиринг. Ўзгартиринг. Бир соатдан сўнг қайтиб келиб, текшираман...

Бўлим бошлиғимизнинг ранги ўчиб, менга қаради:

– Энди нима қиламиз?

– Бир иложи топилар. Ўзимга қўяверинг, – дедим уни юпатиб.

Сўнг ўйлаб-ўйлаб, "билса – ҳазил, билмаса – чин" дедим-да, ҳалиги сўзларнинг тагига "Саппариано. Итальян файласуфи" деб ёзиб қўйдим. Раҳбар жанобი олийлари бир сўзли экан, қайтиб келди. "Қани, нима дер экан" деб, ҳаммамиз юрак ҳовучлаб турибмиз. У ўқиди ва бирдан юзи ёришди:

– Ҳа-а. Бу итальян файласуфининг сўзи эканми? Ана, айтмадимми, ҳе, сизни қаранг-у. Ўзимизнинг дўхтирники дейсиз-а. Оддий дўхтир шундай буюк гапларни айта олармиди. О-о, бу итальян файласуфлари жуда-а зўр бўлишганда. Қаранг-а. Гаплари нақд ҳозирги замон руҳида айтилган экан-а. О-о, буюк. Итальян файласуфлари жуда буюк. Комиссар Каттани ҳам шулардан-да, а?! Кўрганмисиз?

– А? Ким? – бўлим бошлиғи сўрашга журъат қилди: – Катани?

– Ҳа. Комиссар Каттани-чи. Микела Плачидо. Хе-е, ўлганда мен ҳам роса плачит қилганман. Хҳ-хўў, мафияни роса қийратади-ку. Лекин барибир ўзини ҳам ўлдиришади. Зўр, зўр-да. У ёқда мафия ҳам зўр, файласуфлари ҳам буюк. О-о, буюк, буюк...

Раҳбар бўлимдан кўтаринки кайфиятда чиқиб кетди. Бўлим мудиримиз хурсанд. Биз эса... кулиб қолавердик.

**Сафар КОКИЛОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "KAMOLI SHUXRAT" МЧЖга 25.03.2004 йилда Ф № 001826 серияли, № УП 0831 рақамли фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензия йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Частное предприятие "YAKARUS" (ЧП "YAKARUS"), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента № 002555-01 от 01.12.2008г., г. Ташкент, ул. Али Кушчи, 9, ИНН 203739298, ЛИКВИДИРУЕТСЯ. (Решение Учредителя № 1 от 05.01.2009г.).

Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования объявления.

## Рассом кинояси



– *Кечагина бу ерлар серҳосил экинзорлар эди-ку...*
– *«Тузукроқ илтимослар» бўлган шекилли, туман ҳокими бу гектарларни шахсий уй-жой қурилиши учун ажратди.*

**Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расм.**

## Шундан кейин

### СИРИ ОЧИЛМАГАН ЭҲРОМ

**Миср эҳромлари дунёдаги энг кўркам, энг диққатга сазовор жой деб эътироф этилган. Эҳромлар Жаҳон сайёҳлик ташкилоти томонидан сайёҳлик оламининг олий эътирофига муносиб деб топилган.**

Маълумотларга кўра, дунёнинг етти мўъжизасидан бири – Миср эҳромларини зиёрат қилиш учун ҳар йили Қоҳирага миллионлаб сайёҳ ташриф буюради. Бундан тўрт ярим минг йил муқаддам фиръавнлар мақбараси сифатида барпо этилган эҳромларнинг ҳанузгача сири тўла очилмаган.

### ҚАҲВА ЭНДИ ЁҚИЛҒИ

**АҚШда қаҳва чиқиндисидан табиий ёқилғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мутахассисларнинг фикрича, қаҳва дони таркибида кўп миқдорда ёғ мавжуд.**

Бу табиий ёқилғи ишлаб чиқаришда қўл келади. Қаҳва чиқиндиларидан, шунингдек, органик ўғит сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, дунёда ҳар йили 7,3 миллиард килограмм қаҳва етиштирилади. Экспертлар бундай арзон хом ашёдан ёқилғи тайёрлаш мамлакат бюджетига ҳар йили тахминан саккиз миллион АҚШ доллари миқдорида даромад келтиришини таъкидламоқда.

### ТОБУТДАГИ МУШУК

**Отлар 60, қуёнлар 18 йил умр кўради. Буюкбританиялик Жак Пейрорининг мушуги эса 38 ёшга кириб ўлган...**

Гран Па лақабли мушук салкам қирқ йил яшаб, шоҳона ҳаёт кечирди. Агар буни инсон умрига тенглаштирсак 266 ёш бўлади.

Гран Пани сўнгги йўлга катта тантана билан кузатишди. Унинг учун махсус безатилган тобутга буюртма берилди. Бир кунлик видолашув белгиланди. Энг аввало, шу уйда истиқомат қилувчи мушуклар Гран Панинг тобути ёнидан ўтказилди. Кейин яқин қўшнилар, Жак Пейрорининг қариндошлари...

Хўжайин шу билан чекланиб қолгани йўқ. Лондондаги энг машҳур оркестр Гран Пани қабристонгача кузатиб борди. Дафн маросимида мингга яқин одам иштирок этди. Кўп ўтмай, Жак Пейрори севимли мушугининг қабрига ҳайкал ҳам ўрнатди.

**ЎзА.**

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси жамоаси вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси Гулнора Маҳмудовага умр йўлдоши

**Муроджон МАҲМУДОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O`zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши жамоаси Тошкент вилояти "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси Гулнора Ғуломназировна Маҳмудовага турмуш ўртоғи

**Муроджон МАҲМУДОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

## Қилмиш-қидирмиш

# ФИРИБГАРНИНГ ҚОЧГАНИ... ҚОРА КУРСИГАЧА



Комрон "Алла сервис" хусусий корхонасига қарашли озиқ-овқат дўконида сотувчи бўлиб ишларди. Унга бир нечта тадбиркорлар озиқ-овқат маҳсулотларини пешма-пеш етказиб туришарди. Комрон уларни нақд пулга ёки насияга олиб қолиб, кейинги сафар маҳсулот олиб келишганида ҳисоб-китоб қилишга ваъда берарди.

Тадбиркор Асрор дастлаб қандолат маҳсулотларини Комронга фақат нақд пулга бериб юрди. Аммо Комрон пулини кейинроқ беришини айтиб, илтимос қилиб туриб олгач, йўқ деёлмади. Комрон эса унинг 255 минг сўмини бермай қочиб юрди. Бир куни Асрор милицияга шикоят қилмоқчи бўлаётганини эшитиб, дарҳол учрашишни ва келишиб олишни таклиф қилди. Эртаси куни дўкон олдида учрашишди. Комрон унга пулларни қайтариши тўғрисида тилхат ёзиб берди. Аммо яна ҳисоб-китобни пайсалга солиб юраверди.

Бу орада, у тадбиркор Наримон билан ҳам оғзаки шартнома тузиб, дўконда товуқ гўшти ва тухум тугаб қолса, унга буюртма бериб юрди. Шундай қилиб, ундан ҳам 553 минг 200 сўм қарз бўлиб қолди. Бу маблағларни у шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборди.

Қарзга ботиб бораётганига қарамай, "ов"ни давом эттириб, дўкони ёнидаги бозорчада ҳўл мевалар билан савдо қиладиган Маматга қармоқ ташлади ва бир амаллаб унинг ишончига кириб олди.

– Мамат, илтимос, дўконга пиво ва яхна ичимликлар олиб келмоқчи эдим. Озгина пулдан қарашиб юбор. Бизда ҳам қолиб кетмас, – деди елкасига қўл ташлаб. – Сотган заҳотимоқ пулларингни қайтараман.

– Тахминан қанча керак?

– От билан туя бўлармиди, бир миллион сўм етади.

– Менда унча пул йўғ-у, ўртоқ бўлганинг учун боримни бериб тураман, – деди Мамат бироз ўйланиб.

Эртаси куни Комрон унинг қўлидан 600 минг сўмни санаб олди. Уч-тўрт кун ўтказиб, яна 300 минг сўм ундирди. Савдодан тушган пулларни эса, унга кўрсатмай, ўзини олиб қочиб юрди.

Ноилож қолган Мамат Комроннинг уйига келиб, қарзларини қайтаришни талаб қилди.

– Илтимос, ўртоқ, шунча кутдинг, яна озгина сабр қил. Ойнинг бошидаёқ ҳамма пулларингни қайтараман, – деди Комрон уни умидвор қилиб.

Аммо Мамат чучварани хом санаган эди. Комрон шу бўйи қорасини кўрсатмай, қочиб юрди.

Ўрганган кўнгил дегандек, Комрон яна бир ўлжа – Олим билан ҳам апоқ-чапоқ бўлиб олди. Комрон бор «ҳунари»ни ишга солиб, уни ҳам 200 минг сўмга туширди. Шундан сўнг яна жуфтакни ростлади.

Бир куни у Маҳмуд исмли киши билан йўл-йўлакай танишиб қолди.

– Ўғлимга ҳайдовчилик гувоҳномаси керак эди. Ёрдам бера оласизми? – деб сўради Маҳмуд.

– Албатта, танишларим кўп. Пул бўлса, чангалда шўрва деганлар. Бу ёғини тайёрлаб қўйган бўлсангиз бас, – дея илжайди у.

У Маҳмудга қуюқ ваъдалар бериб 100 АҚШ доллари ҳамда 35 минг сўм пулини олди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Маҳмуд унга қўнғироқ қилди.

– Ҳайдовчилик гувоҳномасини қачон тўғрилаб берасан?

– Икки-уч кунда бўлиб қолади. Озгина сабр қилинг, – деди бамайлихотир Комрон.

Айтилган вақт ўтса-да, Комрон уларга қўнғироқ қилмади. Ниҳоят, сабр косаси тўлган жабрланувчилар унинг устидан шикоят қилишди. Суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга айбланувчи айбига тўлиқ иқрорлиги, жабрланувчиларга етказган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлиги, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлигини эътиборга олиб, бир йилу ўн ой муддатга қамоқ жазосини тайинлади.

**Ойбек УМУРЗОҚОВ,**
**Бибихон МАҲАМОВА.**

Собир Раҳимов туманидаги якка тартибдаги тадбиркор Кудратиллаев Нурилла Хабибуллаевичга тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов туманидаги "GOLD VESSAL" хусусий корхонасининг бурчак штампи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қуйичирчиқ туманидаги "NATILUS" масъулияти чекланган жамиятининг бир дона думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "Ikkinchi Tuqz Beton Servis" сообщает об уменьшении уставного фонда с 100000000 сума до 72170000 сумов.

ООО "Ikkinchi Tuqz Beton Servis" уведомляет всех кредиторов об уменьшении уставного фонда.

## Кулганга нима етсин

*Академик врач ҳузурида:*

*– Доктор, уйқусизлик дардига чалиндим, шекилли. Сўнгги бешта илмий кенгаш вақтида ҳаммаси бўлиб, атиги ўттиз дақиқа ухлабман.*

*– Соат неча бўлдийкин, билмайсизми?*

*Йўловчи чап чўнтагидан битта соат олиб, қаради. Сўнг ўнг чўнтагидан яна битта соат олиб, уни ҳам кўрди-да, деди:*

*– Ўндан ўн саккиз дақиқа ўтипти.*

*– Раҳмат! Жуда аниқ иш юритар экансиз.*

*– Йўқ. Ўнг чўнтагимдаги соатнинг кичкина мили тушиб қолган, чап чўнтагимдагининг катта мили йўқ.*

*– Нега бунчалик хурсандсан?*

*– Нега хурсанд бўлмай? Тиш докторига борувдим.*

*– Бунинг нимасига хурсанд бўласан?*

*– Врач бугун ишламас экан.*

*Кечаси полиция бошлиғининг телефони жиринглади:*

*– Ўтинаман, дарҳол етиб келинг! Хона ичида мушук юрипти.*

*– Эсингиз жойидами?! – қичқирди полициячи. – Арзимаган гап учун тун ярмида қўнғироқ қилаётган ким ўзи?*

*– Тўтиқуш...*

**Диққат тузатиш!**
**"Республикаси Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖнинг "Тошкент ҳақиқати" газетасидаги 27.12.2008 йилги №103 (12.114) сонида, Ўртачирчиқ тумани суд ижрочилари томонидан тақдим этилган, Ўртачирчиқ тумани, Уйшун қ.ф.й.да жойлашган, Ёғочдан ишланган бостирма бўйича аукцион савдоси 2009 йил 13 январь куни соат 11.00 да ўтказилиши кўрсатилган, аукцион савдоси кунига тузатиш киритилиб, 2009 йил 27 январь куни соат 11.00 да ўтказилиши маълум қилинади. Тел.: 228-79-52.**

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИЛЕР "ИЖ АВТО" ПРЕДЛАГАЕТ
Новогодняя акция!!!
ГАРАНТИЯ 1 ГОД (20 000 КМ)
Форма оплаты - любая
+ОСГО В ПОДАРОК
ИЖ - 27175
Ваз-21041
Товар сертифицирован
Адрес: г.Ташкент,ул.М.Улугбек,54 А
Тел.: 140-00-61/62, 110-41-43 (с 9.00 до 18.00)

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-41. Адади 10337. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАХМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.20. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 6 7 8